

возможность с помощью программного языка создать модели объектов и трёхмерную графику.

SUMMARY

The article discusses the advantages of computer graphics, including the programming of three-dimensional graphics. Today, there are many 3D computer programs. One of them is the Embarcadero program. This program makes it possible, with the help of the programming language, to create object models and three-dimensional graphics.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ф.Л.Ашурова – катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: CEFR, баҳолаш тизими, портфолио, қайдлар.

Ключевые слова: CEFR, система оценивания, портфолио, задание.

Key words: CEFR, assessment specifications, portfolio, Entry/ Logs.

Ҳозирги замонда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё миқёсида ҳар соҳада ўзгаришлар, ривожланиш жараёнларини кўришимиз мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида илм-фан, иктисодиёт, сийosat ва бошқа соҳаларга доир бир қанча қарорлар имзоланмоқда. Жумладан, биз ўқитувчиларнинг фаолиятини яхшилашга доир бир қанча қарорлар имзоланмоқда. Хусусан, айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли қарори айнан шунинг далилидир. Бу қарорда таълим соҳасидаги бир қанча камчиликлар санаб ўтилган ва шу масалаларга жавоб сифатида олий таълим муассасаларини тубдан такомиллаштириш мақсадида бир қанча вазифалар ҳам белгиланган.

Жумладан, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч олий таълим муассасаси томонидан тегишли таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва дастурларини кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мустакил равишда ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши жорий этилиши;

- ундан ташқари, ОТМ ларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида низомнинг ишлаб чиқиши ва уни тасдиқлаш;

- баҳолаш тизими ва мезонларини узлуксиз таълим тизимининг босқичларига мувофиқлаштирилишининг шартлилиги;

- таълим йўналишининг ўзига хос жиҳатини инобатга олган ҳолда, талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усуллари тизимини жорий этиш айнан атаб кўрсатилган. Бундан ташқари, семестр якуни бўйича академик қарздор талабанинг қайта топшириши мумкин бўлган фанлар сонининг белгиланиши ва уларнинг қайта топшириш муддатини ўзгартиришга қаратилган жуда муҳим қарор десак ҳам муболаға бўлмайди [1].

Айниқса, ўқув жараёнида талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишини сўндирмасдан, уларнинг фаоллигини ошириш ўқитувчи маҳоратига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Ўз фаолиятим давомида, ҳар йили 5-10 академик гуруҳ талабаларига ўз маҳоратим, билимимни тақдим қилиб келаман. Ҳар бир талаба индивидуал хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ўз фикри, мулоҳазаси ва ўзига хос ишончи бор. Шу сабабдан, ҳар бир дарсимни қизиқарли ва мазмунли ўтказишга ҳаракат қиламан. Айнан, тест, савол-жавоб, анкета саволлари, портфолио материаллари устида ишлаш ва ҳ.к.

Янги ўқув йил бошида талабалар анкета саволларига жавоб беришлари билан иш бошланса, семестр охирига Reflective writing, яъни ўз фикрларини баён этиб, ҳисобот ёзишлари сўралади. Бу жараёни нафақат чет тилини ўқитишда, балки она тили ва бошқа фанларни ўқитишда ҳам фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлаганидек, баҳолаш тизимини бутунлай ислоҳ қилиш керак,

деб ўйлайман.

Масалан, ОТМнинг Чет тиллари, яъни Инглиз тили ва адабиёти мутахассислигидаги Reading and Writing фанини мисол тариқасида кўриб чиқсак. Бу фан 2 модульдан «Ўқиш амалиёти» ва «Ёзма нутқ амалиёти» модульларидан иборат бўлиб, бу модуль 4 йил давомида ўқитилади ва айнан биринчи ва иккинчи курсларда амалий машғулотлардан иборат. Бу модульнинг намунавий фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан ишлаб чиқилган ва модульнинг Syllabus ида асосий 9 мавзу очиб кўрсатилади.

Яъни, 1-курсда *Одамлар ва уларнинг шахсиятлари; Миллий ўхшашиликлар; Ўзбекистон ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар; Озиқ-овқат; Саломатлик сирлари; Ўқиш стратегияларини ривожлантириш; Оилавий қадриятлар; Таълим тизими; Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти; Спорт ва бўш вақтни самарали ўтказиш.*

2-курсда, *Ўзбекистон ва дунё; Касб-кор ва ишбилармонлик; Атроф-муҳит муҳофазаси; Муносабатлар; Турли маданиятлараро мулоқот; Оммавий ахборот; Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари; Таълим ва Ижтимоий масалалар* [2].

Бу фаннинг мақсади талабаларнинг CEFR B2-C1 даража талабига жавоб берувчи матнларни ўқиб, тушунишлари ва турли мавзуларга оид матнларни ёза олиш маҳоратига эга бўлишлари ва эгалланган ўқиш ва ёзиш кўникмаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашдир.

Фаннинг асосий вазифаси, умумэътироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўқиш ва ёзиш кўникмаларини C1 даражага етказиш, шунингдек, илмий тадқиқот иши ёзишнинг бошланғич малакасини шакллантириш ва такомиллаштиришдир [2].

Намунавий фан дастурида ушбу фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган бўлиб гина қолмасдан, мазкур дастур бўйича таълим олаётган талабага қўйидаги талаблар ҳам қўйилади [2]:

- ўрганилаётган асосий чет тилини Умум Европа стандартларига кўра C1 даражада ўзлаштириш;

- ўрганилаётган чет тилида ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаш;

- тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари билан ишлаш усулларини ўзлаштириш;

- матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни эгаллаш;

- ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда ёзма равишда аниқ ва мантикий баён этиш;

- битирув малакавий ишини ёзиш, илмий ишни олиб бориш босқичлари, ёзиш услубларини тўғри қўллаш ва илмий матнни тахрирлаш борасида етарли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш лозим [2].

Бу дастурни, яъни ўқиётган талабаларга қўйиладиган талабларнинг бажарилишини тўғри олиб бориш, айнан бизга-ўқитувчиларга юклатилган. Шу қўйилган талабларнинг ўз вақтида тўғри бажарилишини кузатиш ва таҳлил сарҳисоб қилиш керак.

Шу мақсадда, намунавий фан дастурида Модулнинг баҳолаш усуллари ва мезонлари ишлаб чиқилган ва кўрсатилган. Бу баҳолаш тизимида сўнгги замонавий, яъни умумевропа микёсидаги баҳолаш методлари ва усулларидан фойдаланилади [3].

Жумладан, бўлсак, фаннинг 1-модули ўқиш амалиёти модули бўйича *Қайдлар*, яъни *Log* лар (1-семестр давомида):

- 1 – *Қайд*. Мен нималарни ўқишни ёқтираман;
- 2 – *Қайд*. Ҳикоялар ва шъерга танкидий тақриз ёзиш;
- 3 – *Қайд*. Рўзнома ва журналлар мақолалари бўйича танкидий тақриз ёзиш;
- (2-семестр давомида):
- 4 – *Қайд*. Муаллифнинг қисқача таржима ҳоли;
- 5 – *Қайд*. Рўзнома ва журналларда чоп этилган бадиий мақолаларнинг танкидий тақризи;
- 6 – *Қайд*. Мен ривожлантирган ўқиш кўникмаларининг тахлилий сарҳисоби.

Фаннинг 2-модули Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича талабалардан қуйидаги *Қайдларни/ Entry* ларни топширишлари талаб қилинади (1-семестр).

- 1 – *Қайд*. Норасмий хат ёзиш/ e-mail;
- 2 – *Қайд*. Хатолар устида ишлаш кундалиги;
- 3 – *Қайд*. Таржимаи ҳолнинг қисқа шаклини ёзиш;
- (2-семестр давомида)
- 4 – *Қайд*. Норасмий хат ёзиш;
- 5 – *Қайд*. Ҳикоя ёки эълоннинг қисқача баёни;
- 6 – *Қайд*. Тахлилий ҳисобот.

Йил давомида талабалар ҳар бир Қайдни (Entry, Log) белгиланган вақт ичида ёзиб топширишлари талаб этилади. Ушбу Қайдларни баҳолашнинг мезонлари ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган. Бу Қайдлар талаба-

лар билимини баҳолашнинг Жорий назорат иши сифатида баҳоланади ва тегишли баллар йиғиб борилади.

Жорий намунавий фан дастурида талабалар билимини баҳолаш тизимининг Оралиқ назорат шакллари ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу фан бўйича иккита Оралиқ назорат шакли ажратиб кўрсатилган, айнан, ўқиш амалиёти модули бўйича Турли матнларга асосланган тест ва Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича Ёзма тест + ўз-ара тақриз бериш ва Хатолар устида ишлаш кундалиги семестрларга ажратилиб кўрсатилган.

Ушбу модуль асосида талабалар билимини баҳолашнинг Якуний назорат шакли ўқиш амалиёти бўйича 3 янги матндан иборат тест ва Ёзма нутқ амалиёти модули бўйича талаба семестр давомида йиғиб келган Портфолиосини белгиланган вақтда топширишлари талаб этилади [3].

Айтиб ўтиш жойизки, талабалар билимини баҳолаш тизимининг бундай шакли, янги инновацион методлар ва топшириқлар асосида тузилганлиги билан ажралиб туради. Сабаби, ҳар бир топшириқ талаба томонидан семестр давомида бажарилади ва тегишли баллар йиғилиб борилади.

Демак, айтишимиз мумкин-ки, бундай баҳолаш турлари объектив ва шаффоф усулларнинг биридир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг атаб ўтканларидек, талабалар билимини баҳолашнинг янги замонавий ва шаффоф методларидан, усулларида фойдаланиш ва уларни ҳар бир фанга мос этиб ишлаб чиқиш кераклиги зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Ишонаманки, атаб кўрсатилган бундай талабалар билимини баҳолашнинг янги усулларида фойдаланилса, талабалар ўқишдан завқ олишади ва ўқишга бўлган қизиқиши сўнмайди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори. 5 июнь 2018.
2. Иргашева С., Алимova К., Абдураимова Я., Эшонкулова Н. Ўқиш ва ёзиш амалиёти фан дастури. 2016.
3. Ибрагимов Н. Ўқиш ва ёзма нутқ амалиёти ишчи фан дастури (1-курс). 2016.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инглиз тили чет тили сифатида ўқитиладиган талабаларнинг билимини баҳолашнинг мезонлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, талабалар билимини баҳолашнинг янги ёндашувлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются вопросы о критерии оценивания английского как иностранного языка, особенно по Чтению и Письму для первых курсов. В статье рассматриваются также новые подходы в оценивании знания студентов.

SUMMARY

In the article the author discusses some ideas and opinions about assessment criteria for EFL as an academic subject, especially in such subjects as Reading and Writing for the first year students. The article reflects some new approaches for assessment of learners' outcomes.

МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ

Ж.О.Балтабаев - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: меҳнат таълими ўқитувчилари, интерфаол усуллар, таълим-тарбия, жараён, тадқиқот методи, ахборот-коммуникация, Блум таксономияси.

Ключевые слова: учитель труда, интерактивные методы, образование, процесс, метод исследования, информационная коммуникация, таксономия Блума.

Key words: teachers of labor, interactive methods, education, process, research method, information communication, Bloom taxonomy.

Олий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири замонавий ўқув дастурлари асосида юқори савияда натижаларни ўқитиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда катта амалий ишлар қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим-тарбия жараёнининг «Юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий

ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга» йўналтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган [1:34]. Ижодкор шахснинг шаклланишини унинг ижодий фаолияти ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775 - сонли Қарори ҳамда мазкур